

ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

Гулнора ГУЛЯМОВА

Иқтисодиёт фанлари номзоди

катта ўқитувчи

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Тошкент, Ўзбекистон

ggulyamova@yandex.ru

ORCID: 0000000205389508

Аннотация

Мақолада зиёрат туризми ривожланишининг асосий йўналишлари, унга таъсир этувчи омиллар ва имкониятлар кўрсатиб берилган. Шунингдек, диний туризм ва унинг тузилиши, турли муаллифлар томонидан диний туризм, зиёрат туризми, ислом туризми каби тушунчаларга берилган таърифлар таҳлил этилган. Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантиришда ҳал этилиши керак бўлган вазифалар ёритилган.

Таянч сўзлар: диний туризм, зиёрат туризми, диний-экскурсия туризми, туризм инфратузилмаси, туризмни ривожлантириш концепцияси.

ФАКТОРЫ И НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ПАЛОМНИЧЕСКОГО ТУРИЗМА

Гулнора ГУЛЯМОВА

Кандидат экономических наук

Старший преподаватель

Международная исламская академия Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

ggulyamova@yandex.ru

ORCID: 0000000205389508

Аннотация

В статье рассматриваются вопросы развития паломнического туризма, факторы и возможности, которые на него влияют. Анализируются различные подходы к определению понятий религиозный туризм, паломнический туризм, исламский туризм. Анализируются достижения в развитии паломнического туризма в стране и выделяются задачи, которые необходимо решить.

Ключевые слова: религиозный туризм, паломнический туризм, религиозно-экскурсионный туризм, туристическая инфраструктура, концепция развития туризма.

2020 йил бўйи давом этган COVID-19 пандемияси жаҳон мамлакатлари туристик секторида чуқур инқироз юз беришига олиб келди. 2019 йилда халқаро туристларнинг сони 1,5 млрд кишини ташкил этган

бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 381 млн. кишига тенг бўлиб, 74% га қисқарган. Туризм сектори даромади йил давомида 1,3 трлн АҚШ долларига, сектордаги иш жойлари 100 мингдан 200 минггача қисқарди [14]. Жаҳон туризм ташкилоти томонидан (UNWTO) COVID-19нинг туризм секторига таъсирини юмшатиш ва туризмни тиклаш борасида мамлакатлар ҳукуматларининг сиёсати таҳлил этилиб, уларга туризм секторига молиявий ёрдам кўрсатиш, бозорни ўрганиш ҳамда давлат ва хусусий сектор шерикчилигини кенгайтириш, иш жойларини сақлаб қолиш, янги туристик йўналишларни ташкил этиш бўйича тавсиялар берилган [13].

Ўзбекистонда пандемиядан кейинги даврда туризмни тиклаш, соҳага инвестициялар жалб этиш, янги иш ўринлари яратиш, кадрлар салоҳиятини ошириш, пировардида, туризмни иқтисодийнинг локомотив соҳаларидан бирига айлантириш масаласи бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан саналади [2]. Шунингдек, мамлакатимиз зиёрат туризми учун қулай манзил ҳисобланади. Ислом оламида машҳур кўплаб уламолар юртимизда яшаб ижод қилган. Шу билан бирга, мамлакатимизда бошқа динларга эътиқод қилувчилар учун ҳам азиз бўлган тарихий қадамжолар бор. Ислом дунёсининг энг қимматбаҳо Қуръони карим намуналаридан бири – Халифа Усмон Қуръон китоби сақланувчи Ҳазрати Имом мажмуаси, буюк ислом имоми Маҳаммад Ал-Бухорий мақбараси, Нақшбандия тариқати издошлари мақбаралари ва шу каби кўплаб бошқа диний марказлар мавжуд.


Ушбу мақолада зиёрат туризми ривожланишининг асосий йўналишлари, унга таъсир этувчи омиллар ва имкониятлар кўрсатиб берилган. Шунингдек, диний туризм ва унинг тузилиши, турли муаллифлар томонидан диний туризм, зиёрат туризми, ислом туризми каби тушунчаларга берилган таърифлар таҳлил этилган.

Илмий мақолани ёзишда, аввало, республикада туризмни, хусусан, зиёрат туризмини жадал суръатларда ривожлантиришнинг долзарблиги асос бўлади. Илмий таҳлил жараёнида тегишли маълумотлар Жаҳон туризм ташкилоти (UNWTO), Халқаро Саёҳат ва Туризм Ҳайъати (WTTC), хориж ва

республика олимларининг илмий ишлари ҳамда интернет ресурсларидан олинди.


Ўзбекистонда туризмнинг барча турларини ривожлантириш имкониятлари юқорилиги мутахассислар томонидан таъкидланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш қўмитасининг маълумотларига мувофиқ мамлакатимизда туризмнинг ривожланиш кўрсаткичлари 2016-2019 йилларда барқарор ўсганлигини кўришимиз мумкин. 2020 йилдаги вазиятни яхшилаш мақсадида мамлакат ҳукумати томонидан қатор молиявий ва ташкилий-иқтисодий чоралар кўрилган. Мамлакатга келган туристларнинг сони 2016 йилга нисбатан 2019 йилда 3,2 марта ортди (Қаранг: 1-расм). 2017 йилдан то 2019 йилга қадар туризм соҳасидан олинган даромад – ушбу хизматлар экспорти ҳажми ҳамда уларнинг мамлакат ЯИИМдаги улуши 2,5 баробар ошди. 2019 йилда туризм хизматлари экспорти умумий ҳажмининг ЯИИМга нисбати 2,3 фоизни ташкил қилди [10].

Маълумки, туризм соҳаси иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари, хусусан, транспорт, умумий овқатланиш, ҳунармандчилик, савдо-сотикда ҳам салмоқли миқдордаги иккиламчи талабни юзага келтиради ва бу мамлакат иқтисодиётига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.



1-расм. Ўзбекистонга хориждан келган туристлар сони [10].

Жаҳон банки ҳисоб-китобига кўра, туризмнинг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиётига билвосита ҳиссаси (мультипликатив таъсирни ҳисобга олинганда) ўртача 4,3 фоизни ташкил қилади. 2020 йилда ташқи чегараларнинг ёпилиши чет эллик сайёҳлар келишини бутунлай тўхтатиб қўйди. Бундан ташқари, мамлакат бўйлаб карантин чекловлари жорий этилиши ички туризмни ҳам деярли тўхтатди. Натижада, мамлакатимизда бевосита туризм хизматларининг экспортидан олинган даромадни 2019 йилга нисбатан 4 баробардан кўпроқ қисқаришига олиб келди (Қаранг: 2-расм).



2-расм. Туризм хизматлари экспортидан олинган даромадлар [10].

Мамлакат ҳукуматининг туризмни тиклаш ва уни жонлантиришга қаратилган изчил саъй-ҳаракатлари қаторига зиёрат туризмини ривожлантиришга алоҳида урғу берилишини киритишимиз мумкин.

Мамлакатимизда 2021 йилда 1,7 миллион хорижий, 7,5 миллион маҳаллий сайёҳларни жалб қилиш, туризм хизматлари экспортини 370 миллион долларга етказиш мақсади қўйилди. Бу борада энг катта манба, аввало, зиёрат туризмидир. Юртимизда ислом динига оид кўплаб зиёратгоҳлар, яхудийлик, буддавийлик ёдгорликлари бор. Бу имкониятдан фойдаланиб, 700 минг зиёратчини жалб қилиш ва 130 миллион долларлик хизматлар экспортини таъминлаш мумкин [1].

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг зиёрат туризми йўналишидаги жозибасини ошириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилган.

Президентнинг 5611-сонли фармонида кўра, 2017 йилнинг 5 январь кунидан Ўзбекистоннинг маданий-тарихий ва диний-маънавий мероси ва анъаналарини ўрганиш учун ташриф буюрувчи хориж фуқароларига 2 ойгача бўлган муддат билан берилувчи Pilgrim visa жорий этилди. Шу билан бирга зиёрат туризми объектлари бўйича маълумотлар пакети шаклланди, туристларнинг келадиган мамлакатлари, маданияти, урф-одатлари, диний қадриятлари қабилаларини эътиборга олинган ҳолда тур пакетлар таснифланди, туристларга ёрдамчи бўладиган объектлар хариталари тайёрланди, зиёрат туризми инфраструктурасининг етарли даражада шаклланди ва зиёрат туризмини ташкил этишда инновацион омилардан фойдаланиш механизми илмий асосланмаганини таъкидлаш зарур.

Зиёрат туризмини ривожлантириш учун зарур инфратузилма объектлари – меҳмонхоналар тизимини ривожлантириш, меҳмонхоналар, аэропорт ва вокзалларда меҳмонларни кутиш залларининг зиёрат туризми стандартларига жавоб бериши масалаларини ҳал этиш муҳимдир. 2018-2019 йилларда мамлакатимизда бу борада қатор ишлар амалга оширилди. Натижада, юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сони ошди. Маълумотларга кўра, 2019 йилда мамлакатимизга келган хорижлик меҳмонлар 6,7 миллион нафарни ташкил этган. Бу 2018 йилнинг шу даври билан таққослаганда 126,2 %ни ташкил этган. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида мувофиқ, Индонезия, Малайзия, Сингапур, Туркия, Жанубий Корея, Япония ва Исроил давлатлари фуқаролари учун визасиз режим ва 39 мамлакатдан келадиган сайёҳларга соддалаштирилган виза тартиби жорий қилинди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 86 мамлакат фуқароларига кириш визаларининг соддалаштирилган тартиби жорий қилинган.

Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси – Crescent Rating ташкилоти билан ҳамкорликда мамлакатимизда зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Ушбу тавсиялар асосида халқаро аэропортларда ибодат амалларини бажариш учун зарур шароитлар яратилди. Малайзиянинг MS 2610:2015 – Muslim friendly hospitality services Requirements стандарти бўйича мамлакатимизда – OzDSt:2018 *Туризм хизматлари, Муслмон меҳмондўстлиги, Талаблар стандарти* лойиҳаси ишлаб чиқилди. Зиёрат туризми соҳасидаги энг муҳим воқеалардан бири юртимизда илк бор – ҳалол стандарти жорий этилди.

2019 йилда Ўзбекистоннинг халқаро зиёрат туризми рейтинги “Global Muslim Travel Index”даги мавқеи 10 та пунктга кўтарилиб, мамлакатимиз 22 ўринни эгаллади. Шунингдек, туризм хавфсизлиги даражаси ва бағрикенглик кўрсаткичи бўйича Ислоом Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлари ўртасида биринчи ўнталikka кирди [10].

Ўзбекистонда зиёрат туризмни ривожлантириш имкониятлари юқорилиги мутахассислар томонидан таъкидланмоқда. Шу билан бирга туризм соҳасидаги мутахассислар томонидан диний туризм, зиёрат туризми тушунчалари, уларнинг таркиби бўйича яқдиллик мавжуд эмас. Кўпчилик мутахассисларнинг фикрига кўра, диний туризм бу – ўзи яшаш ҳудудидан ташқарида жойлашган муқаддас жойлар ва диний марказларга саёҳат қилувчи туристлар эҳтиёжини қондириш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фаолият туридир [7]. Унинг таркибига зиёрат туризми, диний-экскурсия туризми ва диний илмий туризм киритилади. Бунга боғлиқ ҳолда ўз яшаш ҳудудидан бир йилдан кўп бўлмаган муддатга, турли хил диний марказлар ва муқаддас жойларни кўриш, маълум ибодат талабларини бажариш, динни, диний манбаларни ўрганиш мақсадида саёҳат қилувчи шахслар диний мақсад билан саёҳат қилувчи турист деб аталади. Зиёрат – кишиларнинг муқаддас жойларга ташриф буюриш ва у ерларда маълум амалларни амалга оширишдан иборат, зиёрат туризми эса зиёрат қилиш учун саёҳат қилувчиларга хизмат кўрсатишга йўналтирилган фаолият туридир.

Диний экскурсия туризми диний марказларга саёҳат қилишни ўз ичига олади, бу ерда сайёҳлар диний обидаларни, музейларни кўриши, диний тадбирларда қатнашиши мумкин. Ушбу турдаги туризм илмий туризм билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Олимлар мавжуд диний марказларга, бой диний анъаналарга эга бўлган мамлакатларга мамлакатлар ва минтақаларга ташриф буюриб, диний мерос – қўлёзмалар, диний меъморчилик объектларини ўргандилар. Қатор муаллифларнинг фикрига кўра, мусулмонларнинг ер юзи бўйлаб турли мақсадларда, диний ибодатларни адо этиш (ҳаж ва умра), ризк излаш ва умуман бошқа сабаблари билан саёҳат қилиши туризм соҳасида ўзига хос ёндашув ва стандартларга асос солинишига сабабчи бўлди [11].

Туризм мутахассислари мусулмонларнинг диний талабларидан чиқмаган ҳолда ҳар қандай сабаб билан саёҳат қилишларини барча учун бирдай тушунарли бўлиши учун қандай номланиши устида фикрлар билдирганликларини таъкидлаш лозим. Зиёрат туризми, Исломий туризм, диний туризм, шаръий туризм, ҳалол туризм каби таклиф этилган атамаларнинг муаммоли жиҳатлари бўлганлиги сабабли, баҳс ва мунозара, диний соҳа ва туризм мутахассисларининг фикрларидан келиб чиқиб Muslim-friendly travel (мусулмонлар учун қулай туризм) атамаси маъқул кўрилган [6].

Ислом туризм маркази ислом туризмига шундай таъриф берган: саёҳат давомида ислом қоидаларига амал қилинган ҳолда амалга оширилган ҳар қандай ҳодиса, учрашув, зиёрат ислом туризми деб аталади. Шунингдек, ушбу марказнинг таърифига кўра, ислом туризми йўналишлари сифатида қуйидагилар белгилаб берилган: *турли йўналишларда саёҳат қилувчи мусулмонлар; мусулмон мамлакатларига саёҳат қилувчи мусулмонлар; ислом тамойилларига амал қилган ҳолда саёҳат қилиш; ислом меросини ўрганиш учун саёҳат қилувчи мусулмонлар; ислом меросини ўрганиш учун саёҳат қилувчи мусулмон бўлмаганлар* [12].

Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизда зиёрат туризмнинг санаб ўтилган барча йўналишларини ривожлантириш учун имконият мавжуд. Тарихий ва муқаддас қадамжоларга зиёрат ва саёҳат қилиш учун ҳар йили

дунёнинг турли бурчакларидан минглаб сайёҳлар Ўзбекистонга ташриф буюради.

Ҳалол саёҳат бўйича – Crescent Rating ташкилоти томонидан 2017 йилда тузилган рейтингда Ўзбекистон 28-поғонани эгаллаган эди. Рейтингда мамлакатимиз – хавфсиз саёҳат (100 дан 84 балл), ибодатхонага кириш эркинлиги (80), – овқатланиш имкониятлари ва кафолатлари (70) йўналишларида юқори баҳоланган. Аммо – виза (50), аэропорт имкониятлари (48,3), – оилавий таътил (44,4), яшаш шароитлари (33,2), – мусулмонлар учун имкониятлар (25), – сайёҳларнинг келиши (21,2), – коммуникация имкониятлари (19) йўналишларида эса ўрта ва қуйи поғоналарни эгаллади. 2018 йилда рейтингда қуйи даражада баҳоланган, кам ривожланган йўналишларни яхшилашга эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Соҳада ҳал қилиниши зарур бўлган биринчи навбатдаги муаммолар ечилди. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида зиёрат туризми марказларидан бири сифатида эътироф этилиши умумий маънода мамлакатда сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш ва туристлар оқимини сезиларли даражада оширишга туртки беради. Зиёрат туризми учун диний қадамжоларнинг ўзи етарли эмас. Сайёҳларни жалб қилиш учун тарғибот ишлари яхши йўлга қўйилиши, қулай виза тартиби, аэропорт, меҳмонхоналарда ибодат амалларини бажариш учун шарт-шароит бўлиши керак.

Зиёрат туризмини ривожлантириш учун зарур инфратузилма объектлари – меҳмонхоналар тизимини ривожлантириш, меҳмонхоналар, аэропорт ва вокзалларда меҳмонларни кутиш залларининг зиёрат туризми стандартларига жавоб бериши масалаларини ҳал этиш зарур. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантириш омилларидан бўлган ахборот ресурсларини жамлаш, мамлакатда мавжуд маънавий ва моддий бойликлар тавсифини умумлаштириш, зиёрат туризми бўйича тўлиқ

маълумот берувчи интеграцион электрон платформани яратиш илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон олий мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатнома. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
2. Абдуллаев Р. Туризм Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари иқтисодиётининг устувор йўналиши сифатида. // Sharqshunoslik, №3. – Б.135.
3. Аигина Е.В. Саудовская Аравия: рождение новой туристкой дестинации. //Материалы науч-практ. конференции. – Санкт-Петербург, 2011.
4. Гагская декларация по туризму // сайт UNWTO . - 1989 йил апрель. – мурожаат санаси: 2022 йил 9-январь. - www.unwto.org.
5. Гулямова Г.П. Минтақа иқтисодиёти барқарор ривожланишини таъминлашда зиёрат кластерларининг аҳамияти. // Иқтисодиётда инновациялар, 2020. – № 1. – Б.85-91.
6. Холхўжаев С. Зиёрат туризми, исломий туризм, диний туризм, шаърий туризм ва ҳалол туризм? Қай бир атама тўғри? // Azon.uz. - 2020 йил. - 2022 йил 9 январь. - <https://azon.uz/content/views/ziyosat-turizmi-islomiy-turizm-diniy-tur>.
7. Христов Т.Т. Религиозный туризм. - Москва : Издательский центр "Академия", 2005.
8. Худаяров А.А. Ўзбекистонда зиёрат туризми бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари. - Тошкент : Комплекспринт, 2020.
9. Ўзбекистонда туризм- 2016-2019 [Book]. - Ташкент : ЎЗР Статистика қўмитаси, 2020.

10. Ўзбекистонда туризм: пандемиядан олдин ва кейин // UzAnalytics. - 2020 йил сентябрь. - 2022 йил 7-февраль. - <https://uzanalytics.com/iqtisodi%D0%B5t/8193/>

11. Hassib Rehailia & Ibtissem, Saadsi Islamic Tourism and Sustainable Development: From Utopia to Reality // International Journal of Religious Tourism and Pilgrimage: Vol. 8. - 2020 йил. - p.13.

12. Kessler Kristel Conceptualizing Mosque Tourism: A central feature of Islamic and Religious [Journal] // International Journal of Religious Tourism and Pilgrimage: Vol. 3: . - 2011 йил. - pp. Iss. 2, Article 2.

13. The Travel & Tourism Competitiveness Report 2019. [Online] // WEF_TTCR_2019. - 2020 йил 23-декабрь. - <http://www3.weforum.org/>.

14. Tourism key for economic growth and diversification in the MENA region [Online] // unwto. - 2020 йил 23-декабрь. - <https://media.unwto.org/press-release/2017-04-25/tourism-keyeconomic-growth-and-diversification-mena-region>.